

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 йил 1 июлдан • № 108 (5. 999) • 1986 йил 12 май, душанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси 8 май куни бўлиб ўтган мажлисида маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш тадбирларини муҳокама қилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул этилган қарориди КПСС XXVII съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулот техника даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирлар комплексини амалга ошириш белгиланган. Маҳсулотни тайёрлашнинг ҳамма босқичларида унинг сифатини тубдан яхшилаш учун министрликлар ва идораларнинг, корхоналар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг жавобгарлигини қўйди. Янги техникани яратувчи ташкилотлар зиммасига юқналидиган конкрет вазифалар доираси белгиланган. Янги яратиладиган машиналар, ускуналар, материаллар ва приборлар дунёда эришилган энг юқори даражага мувофиқ келадиган ёки ундан афзал бўладиган вазиятда эришиш мақсад қилиб қўйилди. Техника контроли хизмати роли оширилади ва унинг ваколатлари кенгайтирилади. Корхоналарда СССР Стандартлар давлат комитетига бўйсунувчи идоралардан мустақил равишда давлат йўли билан маҳсулот қабул қилиб олиш хизмати барпо этилади. Ишлаб чиқариладиган буюмларнинг сифатига таъсир қилувчи иқтисодий воситалар ва омилларни қўйиштиришга катта эътибор бери-

лади, тайёр маҳсулот истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети белгиладиган тадбирлар амалга ошириш тўғрисида партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари зарурлигини таъкидлади. Меҳнат коллективларида ҳалол, виждонан меҳнат қилувчи киши — диний мадания, брак маҳсулот ишлаб чиқарувчи киши эса — қораланиш севиб турадиган маънавий муҳитни бузғудга келтириш зарур. Маҳсулотнинг юксак сифати учун кураш оммавий иқтисодий ҳаракат тусини олиши, бу ишда ўн иккинчи беш йилликдаёқ ҳал қилувчи бурилишга эришиш лозим.

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси халқ ҳужалиги тармоқларида автомат ротор ва ротор-конвейер линияларини жорий этишни жадаллаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқди. Базин министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари фан ва техника тараққиётининг меҳнат унмдорлигини бир неча баъравар оширишни ҳамда маҳсулот сифатини яхшилашни таъминлайдиган мана шу муҳим йўналишга етарли баҳо бермаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан ротор ва ротор-конвейер линиялари ишлаб чиқаришни қўйиштиришнинг йўналишлари белгиланган. Барча етакчи машинасозлик министрликлари бундай линияларнинг яратилишга жалб этилади. Ротор ва ротор-конвейер линиялари ишлаб чи-

қаришга илмий раҳбарликни ҳамда тегишли ишларни мувофиқлаштириш боришни қўйиштириш чоралари қўзда тутилди. Ана шу линияларни лойиҳалаш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш бўйича мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, инженер кадрлар малакасини ошириш программаси белгиланди.


КПСС Ленинград область комитетининг область саноат корхоналарини техника билан қайта қўроллаштиришнинг жадаллаштириш ҳақидаги тақлиф муҳокама қилинди. Ленинград партия ташкилоти раҳбарлигида мавжуд ишлаб чиқариш потенциалдан янада тўлароқ фойдаланиш, смена коэффициентини ошириш, ишлаб турган корхоналарда асосий технология машина-ускуналарини янгиланишнинг энг мақбул муддатларига риоя этиш, янги қўрилмашларни қаматириш ҳисобига техника билан қайта жиҳозлаш ва реконструкциялашга ажратиладиган маблағ саломини қўйиштириш юзасидан қилинаётган ишларнинг муҳимлиги ва улар ўз вақтида амалга ошириладиганлиги таъкидланди. Сийёсий бюроси асосий технология ускуналаридан фойдаланиш самарадорлигини ошириш халқ ҳужалиги учун жуфта катта аҳамиятга эга бўлиб, тегишли министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари Ленинград шаҳри ва Ленинград область корхоналарида ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш фондларини янгиланиш жадаллаштириш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга ошириш

учун ана шу мақсадларга ажратиладиган капитал маблағларнинг йўналишини аниқлаб чиқишни тақлиф этди.

Сийёсий бюроси ҳукумат комиссиясининг Чернобыль АЭСда авария оқибатларини тугатиш ишлари қандай бораётганлиги ҳақидаги ахборотини кўриб чиқди.

Авария оқибатларини бартараф этиш учун комиссия, маҳаллий партия ва совет органлари оператив равишда зарур чора-тадбирларни амалга ошираётганликлари таъкидланди. Совет кишилари мураккаб вазиятда юксак оғиллик, матонат ва мардлик кўрсатмоқдалар. Станция ходимлари, олимлар, инженер-техник ва медицина ходимлари, транспортчилар, ҳарбий хизматчилар, ўтказиладиган тадбирларда қатнашаётган ҳамма кишилар фидокорлик билан аниқ ҳаракат қилмоқдалар. Эвакуация қилинган кишилар қисқа муддат ичида уй-жой, озиқ-овқат, медицина хизмати билан таъминланди. Қўшни районларнинг аҳолиси уларга сиздирилган ғамхўрлик қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВПСЧ Чернобыль атом электр станцияси зонасидаги корхоналар ва ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг моддий таъминоти шарт-шароитлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда вақтинча эвакуация қилинган аҳолининг ишга жойлаштириш, улар қўрған зарарни тўлаш, авария оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишларга меҳ-



Миржалил Шорахмедовнинг меҳнат дафтарчасидаги ишларни жойлари ёзиладиган графика битта ёзув — Тошкент офсет босма фабрикасида контакт-полиграфчи қилиб ишга қабул қилинганлиги ёзилган. Бу ёзув ҳам бундан 32 йил бундан битилган. Шундан бери у шу касбда ишлаб келяпти. Миржалил Шорахмедов сингари кишилар ҳар бир меҳнат коллективда бармоқ билан санарли бўлади. Уларнинг меҳнатга муносабати, ҳамкасбларига меҳр-оқибати, қўлчилликлари, айниқса ёшларга намуна қилиб кўрсатилади.

Дарҳақиқат, М. Шорахмедов ўз корхонасининг ҳақиқий фахри бўлган ветеран ишчиларидандир. У шахсий беш йиллик топши-

риқларини мўнтазам ортиги билан адо этади. Унинг беш йилликда эса икки беш йиллик топиригини бажарган.

Бугунги кунда фабрикада Миржалил аканинг ўнлаб шогирдлари меҳнат қилаёти. Улар тажрибали ишчилар илгор иш усулларини ўрганиб, эндиликда корхона олдига турган катта вазифаларни муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўйяпти.

Ветеран ишчи бугунги кунда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун корхонада кенг қўл очиб ёйган социалистик мусобақада фаол иштирок этиб, ойлик топириқларини ортиги билан адо этипти.

М. Нуриддинов фотоси.

Биргаликда қуйланган қўшиқ

Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройида ҳозир бир неча болалар бадий ҳаваскорлик коллективлари жўшқин фаолият кўрсатмоқда. «Юлдуз», «Гунча» каби ансамбллар, «Солишко» опера студияси, «Бойчечак» хори, сийёсий қў-

шиқлар клубининг чиқишлари айниқса илиқ қарши олинмоқда.

Ана шу коллективлар биргаликда қатор номерларни ҳам тайёрлашди. Бундай жозибдор программалардан ана бири ақнида маҳорат билан ижро этилди. «Оқ сарой» деб номланган бу но-

мерга шоир Н. Назаруллоевнинг шеъри асос қилиб олинди. Композитор Э. Қаландаров басталаган ёқимли музика унинг янада жозибдор бўлишини таъминлади.

Янги асар жойларда бериладиган концерт программаларига ҳам киритилади.

Ёш спортчилар учун

Бундан чорак аср муқаддам бу ташлим-тарбия масканига асос солинган эди. Чиндан ҳам шу ўтган вақт ичида Г. Титов номидаги спорт мактаб-интернати ҳар томонлама кенгайиб, моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди.

Бирок у жойлашган база эндиликда торлик қилиб қолди.


Шу мақсадда ёш спортчилар даргоҳи учун унинг иккинчи навбатини қуриш тадбирлари кўрилади.

Шу билан бирга бу ерда қатор янги ишчиотлар қад кўтарди. Енгил атлетика майдони эса ҳадемай фойдаланишга топширилди. Ёш курашчи ва

қиличбозлар учун алоҳида спорт зали бунёд этилмоқда. Мактаб-интернат базасида ана бир йирик объектни очиб қўзда тутилди. Бу эллик метрлик бассейн бўлиб, илиқ суви билан тўлдирилди. Бундай катта бассейн республикамизда биринчи марта қурилади.

Шаҳримиз ва мамлакатимиз спорт майдонларида

Югурувчилар байрами



Ўтган шанба куни республикамиз югуриш ихлосмандларининг чинакам байрамига айланди. Шу куни Иттифоқимизнинг барча шаҳри ва районларида бўлган каби Тошкентда ҳам енгил атлетикачиларнинг оммавий физкультураспорт мусобақалари ўтказилди. Чунинчи, Тошкент шаҳар комсомол ташкилотининг тарбияланувчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Е. Стембловская ва А. Саломовнинг хотира-совринлари учун агитация-пропаганда мақсадидаги велосипед, шаҳар райолири физкультурчиларининг соғломлаштириш қўриқлари ва совет халқининг Ўлуг Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 41 йиллигига бағишланган «Тошкент оқшони» ва «Вечерний Ташкент»



газеталари совринлари учун старт олган аънанавий шаҳар енгил атлетика эстафетаси бўлиб ўтди. Бу спорт майдонларида 210-мактаб ёш енгил атлетикачилари ғолиб чиқди. Техника кўмлар ўртасида Электротехника техникуми, ҳунар-техника билим юрти ўртасида 43-ГСПТУ коллективини биринчи бўлишти.

«Оқшом» газеталари таъсис этган маҳсул совринга биринчи босқичда ғалаба қозонган пахтакорчи спорт мастери Борис Якушев сазовор бўлди.

СУРАТЛАРДА: «Оқшом» газеталари соврини учун ўтказилган мусобақадан лавҳалар.

Т. Қаримов фотолари.

«Динамо» (Ставрополь) — «Пахтакор» (Тошкент) — 0:1

Кеча биринчи лига командаси «Динамо» Ставрополь командаси билан кўраш бўлиб ўтди. «Пахтакор» 1:0 ҳисобида сафардаги ўзининг биринчи ғалабасини қозонди.

Шу турда биринчи лига пешқадами — Москвининг «Локомотив» командаси Ярославль шаҳрида маҳаллий «Шинник» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Марказий Армия спорт клуби

футболчилари «Нистру» командасини йирик 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кузбасс» — «Кубань» — 0:0, АСК (Хабаровск) — АСК (Ростов-Дон) — 1:1, «Искра» — «Факел» — 0:1, «Котайск» — «Динамо» (Ботуми) — 0:1, «Гулявль» шаҳрида маҳаллий «Шинник» командасига 0:1 ҳисобида ютқазиб қўйди. Марказий Армия спорт клуби

футболчилари «Нистру» командасини йирик 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар.

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

Тошкент заводлари — республика ирригаторларига

Яқин кунларда минглаб янги қудуқлар экинзорларга сув бериб, Ўзбекистон далаларида қўроқчилик оқибатларини юмшатиши керак. Сув кўтаридиган қўшимча минглаб қўрилма-лар — насослар ишга туширилади.

Шу техниканинг ҳаммаси бекаму кўст ишлашини таъминлаш осон гап эмас. Бунинг учун пиландан ташқари кўп запас қисмлар керак бўлади.

Тошкентдаги йирик заводлар шу қисмларни деҳқонларга қардошларча ёрдам сифатида ўз планларидан ташқари тез-да ясаб беришга киришди:

«ТАШТЕКСТИЛЬМАШ»: Бутун коллектив қишлоқ учун маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашади. Ботирма насос икки хил деталларнинг чизмалари келтирилди. «Сред-азВНИИГидрошар» институтининг конструкторлари ана икки хил деталь ҳужжатларини завод технологиясига мосла-яптилар.

Ғоят қисқа муддатда минглаб запас комплектлар тайёрлаб берилди. Машинасозлар ишларнинг бир қисmini зарбдор вақтда тайида асосий ишдан бўш вақтларида бажариш қарор қилдилар.

Корхонада навбатдан ташқари қилинадиган ишлар графиги тузиб чиқилди. Ҳамма зимма олинган бу вазифани тез ва ало сифатли бажаришга аҳд қилди.

«КОМПРЕССОР»: Ун хил номдаги втулкалар тайёрлаш учун шошилинч буюрма қабул қилинди. Бундай деталлардан оз эмас — икки мингтагача тайёрланади. Уларнинг ҳаммаси май-июнь ойларида ирригаторларга етказиб берилиши керак.

Коллектив масъулиятли буюртмани бажариш учун социалистик мусобақа давомида бунёд этилган тежам фондида фойдаланади.

ТРАКТОР ЗАВОДИ: Тракторсозлар сув кўтурувчи агрегат валлари, турли типлардаги подшипник втулкалари каби запас деталлар комплектларини мумкин қадар тезроқ тайёрлашлари учун улар ҳамма цехларга тақсимлаб чиқилди, — дейди баш инженер хизмати.

Ҳамма маҳсулотларнинг чизмалари ўрганиб чиқилди.

Трактор ишлаб чиқариш плани бажарилишига зарар етказилмаган ҳолда машина-ускуналарнинг бир қисmini масъулиятли ва шошилинч буюртмани бажариш учун ажратилди. Илгор бригадалар асосий ишлаб чиқариш суъятларини бўшаштирмаган ҳолда ирригация эҳтиёжлари учун бир ой мобайнида 500 — 600 комплект маҳсулот тайёрлаб бериш юзасидан социалистик мажбуриятлар олмоқда.

Сув танқислигига қарши кураш билан боғлиқ ишларнинг катта программасини бажарувчилар орасида «Ташсельмаш», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш биришмаси, «Ўзбекнефтеко-м» коллективлари, Чирчиқ, Андижон заводларининг, республика бошқа шаҳарларидаги заводларнинг коллективлари бор. Корхоналарнинг партия ва комсомол комитетлари, берча инженерлари, ишчилар ва мастеровлар масъулиятли вазифани бажаришга ҳисса қўшишга, Ўроқ билан Болға бузилмас Иттифоқида сарфматларини иш билан ана бир бор исбот этишга тайёрдилар.

Буюртмачи — Ирригация ва сув ҳўжалиги министрлиги органларидан ҳамма бир нарсани илтимос қилмоқда:

— Деталларни ясашга кетадиган зарур металлни, айниқса зангламайдиған пўлатни тезроқ етказиб бериш, ҳозир металлни вақтида етказиб бериш ҳамма нарсани ҳал қилди. Биз эса ишни кечиктирмаймиз.

Ю. ҚУЖИЛИН,
Б. ХАСАНОВ,
Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбирлари.



Жадаллаштириш ва сифат — беш йиллик шиори



Азиза Гафурова мана 14 йилдирки, Тошкентдаги «Эталон» заводда филдкорона меҳнат қилиб келади. Зарбдор ишчи қулиқ қилиб бажариб, ўз ҳамкасбларига ўр-нак бўлаяпти. Корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада байроқдорлик қилаётган илгор ишчи ишлаб

маҳсулотлар сифатли бўлаётир. Шу билан бирга А. Гафурова Куйбишев район Советининг депутатиди ҳам бир қатор жамоат топириқларини муваффақиятли бажармоқда.

СУРАТДА: илгор ишчи А. Гафурова. Э. Зоҳидов фотоси.

Жадал суръатда

Шаҳримизнинг Жаҳон Обидова кўчасидаги «Бодомзор» бекати ақнида учта янги ту-рар жой биноси қад ростла-япти. Бу биноларнинг икки-таси 108 квартиралар, битта-си 32 квартиралар. Қури-лиш ишларини 2-ўйсозлик комбинатининг

квартал учун белгиланган топириқ 103 процент адо этилган-ди. Апрель ойида ҳам жадал суръат билан меҳнат қилиш-ди. Жами 335 минг сўмлик-дан ортиқ иш бажарилиб, ой-лик план ортиги билан адо этилди.

Объектда тўртта қурилиш бригадаси меҳнат қилаёти. Улар ишни ўзаро мусобақа асосида ташкил этиб, бино-ларни тез ва соз қуриб бит-назишга ҳаракат қилишди. Коллектив ўртасидаги ўзаро мусобақада ў. Зокиров бош-лиқ бригада пешқадамлик

қилмоқда. Бу коллектив тўрт ойлик плани муддатидан ол-дин бажаришдан ташқари ан-чагина тахта ва бетонни те-жаб қолди. Илгор монтаж-чилардан Б. Холхўжаев, Б. Илҳомов, дурадгор В. Дад-ишев, бетончи Ж. Тешабоев юқори сифатли иш бажариш-да ҳамкасбларига намуна бў-лишяпти.

Бугунги кунда тўққиз қав-атли бинолардан бирида монтаж ишлари тугалланиб, пандозлаш ишларини бажар-ишга киришилди.

С. СУЛТОНОВ.



Амалий санъатимиз фидойилари

Ипакнинг камалак жилоси

Ленин образини яратиш ҳар бир совет санъаткори нинг катта орузи саналади. Бу борада ўзбек санъаткорлари ҳам кўп иш қилдилар. Рассомлардан С. Абдуллаев, Ф. Саидалиев, А. Мельников ва бошқалар доҳийга бағишланган аjoyиб асарлар яратдилар. Каштачи-рассом Фазилат Саидалиева Ленин портретлари туркумини яратганлиги учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати бўлди.

Яқинда Тошкент бадий буюмлар фабрикасида бўлганимизда совет санъатининг санъатига ленинномага муносиб ҳисса қўшган яна бир санъаткор билан танишдик. Бу фабрика бадий лабораториясидаги етакчи рассомлардан бўлган Луиза Александровна Харитоновадир. У Ленин портретларини ипакда ишлаш устаси саналади.

Луизада таъсирий санъатга ҳавас жуда эрта ўйгонди. Бу ҳавас унга отасидан «оққанди». Отаси Александр Степанович оддий хизматчи эди. Ленин расми чизишни яхши қўларди. Отаси мўйқалам ва бўёқ билан гўзаллик яратадиганида ёнида қизалоғи Луиза соатлаб томоша қилиб ўтирарди. Шундай қилиб, секин-аста қиз ҳам қўлига мўйқалам тутди. Урта мактабнинг еттинчи синфини тугатгач, 1944 йилда ҳозирги Беньков номи таъсирий санъат билим юртига ўқишга кирди. Кейин В. И. Ленин номи бадий буюмлар артелида ишлади. Ундан сўнг «Узлёмистром»нинг конструкторлик-технология бюросига рассом бўлиб ўтди. Шу ерда ўзидagi талант

камол топтириш учун кенг имкониятларга эга бўлди. Луиза Александровна маҳоратли ўзбек каштачиларидан миллий санъат сирларини ўрганиш билан бирга, бу санъатга ўздан нимадир қўшишга ҳаракат қилди. И. Харитоновна 50-йиллардаёқ Тошкент каштачилари, Бухор зардушлари билан ҳамкорликда ноб асарлар яратди. Мамлакатимиздаги кўпгина музейларнинг аjoyиб экспонатларига айланган бу буюмларнинг суратлари ҳозир санъаткорда сақланади.

Мана, рассом бухоролик ва тошкентлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда яратган панно. Уни кўрганда беҳтеъ Ватанга чексиз муҳаббат ва унинг муваффақиятларидан фахрланиш туйғуси ижодкорларга илҳом берганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу панно 1957 йилда Улугў Октябр социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишлаб тайёрланган.

Луиза Харитоновна В. И. Ленин портретини биринчи марта 1960 йилда ишлаганди. Шундан бери у бу инсон образига кўп марта лаб мурожаат қилди. У ишлаган доҳий портретларидан бири В. И. Ленин Марказий музейнинг Тошкент филиалига ҳам қўйилган.

Мана, бадий буюмлар фабрикасининг янги буюм намуналари қўйилаётган зали. Бу ердаги ранг-баранг буюмларни кўрганда кўз қамашади. Ўзининг меҳнати билан бахмалда бахорини акс эттираётган, ҳақ турмушини беэътан чеварлар санъатига беҳтеъ тахсиялар айтасан киши. Фабрика



Суратларда: рассом Л. Харитоновна ишлаган «В. И. Ленин» (юқорида), «Бизнинг ютуқларимиз» (пастда) паннолари. Х. Мирзакаримов фотолари.

Келинг, бир қулишайлик

ХАНДАЛАР

◆ Биринчи дуст: Сен ҳам жуда аjoyиб одамсан-да! Одамлар гўзал қуш, ҳайвонларни боқибдики — бири тўти қуш, иккинчиси қуён, яна бири қабутар. Сен бўлсанг келиб тошбақа боқибсан.

◆ Иккинчи дуст: Эшитишимга қараганда тошбақа 140 йил яшар экан. Мен уни гаплаганимга ўргатмоқчиман.

◆ Боло: Ой, сиз олдин циркда ишлаганимдингиз? — Йўқ, нима эди! — Шунчаки, ҳоламнинг айтишларича, дедими қўлингизда ўйнатар экансиз-ку.

◆ Қизининг 20 минутча телефон орқали гаплашиб трубкани қўйишни қўриб, отаси жуда ҳам ҳайрон бўлди, чунки у ҳеч қачон бир соатдан кам гаплашмас эди. Ҳайрон бўлган отаси сўради: — Қизим, дугонанг билан гаплашаётганимдингиз? — Йўқ, бошқа номерга тушган эканман.

◆ Сен менинг чўқаётган ўғлимни кутқардингми? — Ҳа, аммо бу менинг бурчим эди!

◆ Бурч-мурчингни қўй, тўғриси айт, қани унинг ўнг куйоли... — Ушқитувчи: Мохан, сен айтиш, шабнам деб нимага айтилади? — Мохан: Ер кураеси ўз ўки атрофида айланиб чарчаганида у терла бошлайди, уни шоирлар шабнам деб атайдилар.

НАРОСАТ ГУЛШАНИ

Дастлабки нашрлар

Улуг рус ёзувчиси А. П. Чеховнинг дастлабки ҳикоялар тўплами бундан деярли 100 йил муқаддам чоп этилганди. «А. Чеховнинг беғунох нутқлари» деб номланган бу китобини ўша вақтда Москвада чиқиб турган «Сверчок» журналы нашриёти кўп нусхада тақдим қилди. Ундан ёзувчининг «Тез ёрдам», «Бахтиёр», «Зиночка» каби ҳикоялари ўрни олганди.

Мазкур ноб нашрдан бир нусхаси ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат халқ кутубхонаси фондида эъзозлаб сақланмоқда. Знэ масканда сўз санъаткорининг бу каби китобларидан бир нечтаси билан танишиш мумкин. 1898 йилда Санкт Петербургда А. С. Суворин босма

хонасида босилган «Мужиклар» ва «Менинг ҳаётим» асарлари шулар жумласидандир. А. П. Чехов драма асарлари («Уч опа-сингил», «Тўй», «Юбилей») мамуларининг дастлабки нашрлари ҳам кутубхонага юборилди.

Машҳур адибнинг қалам-каш дустларига йўллаган мактублари 1909 йилда «А. П. Чехов хатлари» деган номда босилиб чиққан эди. Унинг мактуб сифатида М. В. Киселевага ёзган «Жуфт этник» эртаги ҳам кенг оммалашиб кетди. Асар мазмунига мос расмларни ёзувчининг ўзи чизганди. Адабиёт масалаларига доир ушбу мактуб кейинчалик ёзувчининг синглиси М. П. Чехова тахририда А. П.

Чехов хатлари» деган номда босмага тайёрланди. Бу нашр ҳам ўз вақтида знэ маскани фондидан муносиб ўрни олди.

Кутубхонада ёзувчи асарларининг ўзбекча таржима нашрлари ҳам талайгина. Унинг «Ванька» ҳикояси ўзбек тилида биринчи марта 1929 йилда чоп қилинган. 1933 йилда «Душечка», 1934 йилда эса «Катта ва кичик Володялар» ҳикоялари ўзбек тилида босилди. Ана шу нашрлар ҳам улкан илм масканининг мулкига айланиб қолди.

А. П. Чехов асарларининг бу каби дастлабки нашрлари бўйича библиография кўрсаткич тайёрланди.

А. АЛИЕВ.

Халқ оҳанглари Фарзандларингиз учун

Ёр-ёр

Богбон бўлиб гулларни тиради қиз, ёр-ёр, Ойна олаб оқ юзини кўради қиз, ёр-ёр, Қиз қўнглини, агар топиб ўлан айтсанг, ёр-ёр. Бир ўланга минг жавоб беради қиз, ёр-ёр.

Келин тушган жойларинг ўтли бўлсин, ёр-ёр, Сенинг соқдан сизиринг сутли бўлсин, ёр-ёр, Икки қолхоз фарзанди қўшилдингиз, ёр-ёр, Янги тузган рўзгорингиз қутли бўлсин, ёр-ёр.

Ўлан айтиб турганлардан уялмадинг, ёр-ёр, Шодлигидан тилгиланиб тиёлмадинг, ёр-ёр. Мен дўстимнинг тўйида айтмасамдир, ёр-ёр. Кўп ичиди бир сени қилмадим, ёр-ёр.

Айт деганда ўланни йиғит айтар, ёр-ёр, Айтганда ҳам сулув қиз маъқул айтар, ёр-ёр. Билгани шонлигинг қалар-эй жов, ёр-ёр, Ўланга чечан бўлсанг жавоб қайтар, ёр-ёр.

Кун исиса сув бўйида салқиллаймиз, ёр-ёр, Бетни ювсанг ойдек бўлиб ёркинлаймиз, ёр-ёр. Қўмак бўлса ўлан деган кўп бўлади, ёр-ёр. Тўйлаб юрсанг сиз чечанга яқинлаймиз, ёр-ёр.

Шу қолхозда бир ўланчи биз бўламиз, ёр-ёр, Шўхлик қилсанг эл ичиди сўз бўламиз, ёр-ёр. Мен ўзимни танитганин танитмасанг, ёр-ёр, Шу чорвани бош чўпони биз бўламиз, ёр-ёр.

Икки бирдай саман отнинг ем егани, ёр-ёр, Хато келмас докторларнинг эмлагани, ёр-ёр. Қўлоқ солинг сўзимга сизга айтмай, ёр-ёр. Ойқизларнинг «Кет!» дегани «Кел!» дегани, ёр-ёр...

Қизил гулли очилганда термадим, Бизнинг уйга келганингиз билмадим. Ҳаёл суриб ўлтирганингиз кўриб, Ўйланган «Хуш келибсиз!» демадим.

Музейяна АЛАВИЯ тўплаган қўшиқлардан.

Болаликнинг тошлари

Новелла

Июль ойининг шанба кўни эди. Кўёш бутун борлиги билан заррин эънисин сочар. У ўзининг оташ қалбига борлиқдаги ҳар бир нарсани қамрабдурди...

Тўшлиқдан кейин Санобархон билан биргаликда шаҳардан ўнча олис бўлмаган «Ун кайрағоч» даҳасига чол-кампирини кўриб келишга отланди. Уйимиз район марказидан тўрт чақиримча бўлса ҳам ҳаргал оdatдагидек йўл ёқасидаги катта ариқ бўйлаб пиёда кетдик. Пиёда юришининг гашти бошқа-да. Айниқса, йўлда йўлдошинг бўлса...

Ариқ бўйидаги масъум ялпизларнинг хушбўйи киши дилини қитқилаб, йўл бўйи ўзи билан етаклайди. Масофанинг ярмини босиб ўтганимизда, ариқнинг ўнг ёқасидаги сада-нинг тагида бир оз дам олардик. Шу ерда ёзининг иссиқ кунлари болапарнинг чағирчуғури тинмайдди.

Бу гап етти-саккиз ёшлардаги матросча оқ шапкача кийган бола билан тин қора жингалар сочили нозик қизчадан бўлак ҳеч ким кўрилмади. Икковлон бутун диққатларини бир жойга жаллаб ўзлари билан ўзлари машғул эдилар. Бизларни сезишмади ҳам. Атрофда сўқут ҳўм сурар.

Икки нораства оёқларини қарама-қарши узатиб, рўбарў ўтириб олишган. Қизча чап кўп бармоқларини ёзиб ерга тик тираган. Битта юмалок тошчани ҳадеб баландга иргитиб, тош қайтиб тушгунча ўнг кўли билан олдиндаги тўрт та бежирим тошчаларни бир-ма-бир санаб бармоқлари орасидан ўзказарди. Уйини завқ билан кузатиб туриб қолдик. Шу аснода қаёқдандир чириқлашиб қушлар галаси ёпирилди. Иккала гўдакнинг тинчлиги бузилди. Уларнинг қувноқ, жажоки кўзлари беҳосдан бизга тушди. Иккови «ғуноҳкор» кишилардек апил-тапил тошчаларни йиғиштириб олишди-да-да зингиллаб бутазор орасига кириб кетишди.

Санобархон маъноли табассум билан «кетдик» дегандек менга нигоҳ ташладди. Кечкурун уйга яхши кайфият билан қайтдик. Шу кунги газета-ларни кўздан кечирарканман, Санобархон тўрда турган сандиқчи очиб нималарнидир қидира бошлайди. «Ҳа, нима гап ўзи, онаси!», — дедим қўёй. Нак остидан унга тикилиб, — Аёлларнинг ишига аралашманг, дедаси! — ҳазиломуз жавоб қилди улар йўлдошим.

Бир маҳал у анча охори кетиб қолган дастурўмол туғунча ни қўлимга тутқазди. Ҳайрон бўлиб уни ечдим. Унда беш донна тошча бор эди. Уларни кафтимга териб кузатар эканман: «Валюжон ака, танитил-сизми бу тошчаларни!» деб Санобархон менга юзланди. Саволга қўқисдан жавоб беролмасамда узок ёшлик чоғлар, ўйинқароқ йиллар кўз олдимдан бир-бир ўта бошлади...

— Бўлди, бўлди, кўп ўйлаб ўтираверманг, эсланг бўлсангиз бу тошчаларни бояги болалар тенги пайтимиз ўша сада тагида ўйнар эдик. Эсла-гандирсиз, фронтга жўнаганимизда илк учрашувлари. Икзининг, урушдан олдинги беғубор болалигимизнинг ра-зи сифатида сандиқча солиб қўйган эдим.

Бошимга қайноқ сув қўйил-гандек бутун вужудим кувяёт-гандай эди.

— Раҳмат онаси! Мени бо-лаликка қайтардинг... Қайта яшаргандек бўлдим. Қани, энди ўша тақдорланмас тотли дамлар қайтиб келса...

Тошчаларни қўлимда бир-бир иргитиб ўйнар эканман, бояги сада тагида учратганимиз, икки болага ҳаёлим кетди.

Гўё бизнинг беғубор бола-лигимиз ҳам улар болалигини да бирга яшнаётгандек эди...

Анвар ҲОЖИХОНОВ.

Ноёб экспонат

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали оё сайин янги-янги ноб ҳуж-жатлар, буюмлар, санъат асарлари билан бойиб бор-моқда. Муътабар даргоҳга тортиқ қилинган санъат асарларидан бири рассом П. Мордвинцевнинг картиналаридир.

Бир: Манами жавоҳирини қара, қанча тураркин?

Иккинчиси: Мана буниси 5 йилдан 7 йилгача, унисини эса суд аниқлаб берса керак...

Ҳинд тилидан М. ТОШМУХАМЕДОВ таржимаси.

риседа ҳикоя қилади. Бу устахона ҳозирги пайтда Октябрь революцияси номи билан атаётган тепловоз ре-монтчи заводида. Корхона Тошкент ишчи-ларнинг фахри қисбланади. Санъаткорнинг кейинги картинаси «Дехқонларнинг қолхозга ёзилиши» деб номланган.

Телефоннинг кечаги ва эртанги куни

Киев шаҳрининг телефон тармоғи квазиэлектрон тип-даги станциялар билан тўлдирилди. Украина пойтахтида 3 та ана шундай автомат телефон станцияси ишлай бош-лади. Уларнинг ҳар бири 10 минг телефон номерига мўл-жалланган. Механик тарзда бошқариладиган станцияларга нисбатан улар икки баравар кам сахни эгаллайди, хиз-мат кўрсатувчи ходимлар сони эса тўрт баравар қисқар-ди.

Янги станцияларнинг ишга туширилиши Киев телефон-нинг юз йиллигига тўғри келди. Микропроцессор қўрил-малар билан жиҳозланган ҳозирги ускуналар қингизинда қўрилган АТСлардан тубдан фарқ қилади. Киевдаги ва шаҳарлараро тармоқдаги абонентларни тез ва яхши боғ-лайдиган квазиэлектрон система уларга қўшимча хизмат ҳам кўрсата олади. Масалан, бу система ёрдамда амалий қўлланганига кўра маълум вақтда сиз билан боғлайди. Шу беш йилликда киевлик алоқачилар электрон ҳисоб машинаси ёрдамида бошқариладиган автомат-телефон станцияларидан фойдаланишга киришадилар.

(ТАСС мухбирларидан).

«Қадимги рус қундузи»

Пётр I даврида Россияда темир ишлаб чиқаришда кат-та муваффақиятларга эришилди. Ватан металлургияси-нинг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган таниқ-ли ураллик сановатчи Демидовнинг металлургия заводи маҳсулотларига жуда кўп мамлакатлардан талабар ту-шар эди. Унинг заводида тайёрланган металлларнинг ўзи-га ҳос сифат белгиси бўлиб, бу — уларнинг ёрлиғига ку-ширилган қундуз тамғаси эди. «Демидов темири — қа-димги рус қундузи» — деб ёган эди ўтган аср ўрталар-ида инглиз газетаси «Морнинг поста» — бизнинг миллий сановатининг тарихида муҳим роль ўйнайди. «Қадимги рус қундузи» дастлаб Британияга эди, чунки ўша вақтлар-да биздаги пўлат ишлаш сановати андигина оёнда ривожлана бошлаган эди. Демидов темири машҳур шоф-филд маҳсулотларининг пайдо бўлишига катта ҳисса қўшди.

«Темир ичимлик»

Агар одам организмда темир элементни етишмай қол-са, бош оғриғи, кайфият ёмонлашади, одам тез чарчай-ди. Қадимдан бундай ҳолларда қўллан учун ҳар хил «те-мир» дори-дармонлар маълум бўлган.

1873 йилда «Экономический журнал» бу ҳақда шундай деб ёган эди: «Бир қанча ҳолларда темирнинг ўзи ҳам ҳар томонлама доридир, унинг қириндисини гоҳ шундай, гоҳ шакарга аралаштириб, оз миқдорда (қабул қилинса фойдалидир)». Бу мақолада ўша давр дориларидан «темир қор», «темир сув», «пўлат вино» ҳақида ҳам фикр юри-тилган.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмида беморлар те-мир қириндисини ютишмаса ҳам, аммо медицинада те-мир бирикмаларидан ҳозир ҳам фойдаланилади. Ўльов-даги музей-дорихонада ҳозир ҳам шундай аjoyиб совғага эга бўлиш мумкин. Совға кичик жигарранг идишдаги

ширин сувоқлик — «темир вино»дир (бу оксидланган те-мирнинг ширин эритмасидир).

Қўрғошин ва дублар

Яқин вақтлардан буён швед олимларининг тадқиқот объекти Стокгольм марказидаги хибоблардан бирида ўсувчи кенса дуб даракхлари бўлиб қолди. Маълум бўли-шича, 400 ёшли дублар тарихидаги қўрғошин миқдори охириги 10 йилликда автомобиль қатновининг интенсив-ошиши билан кескин ортиб кетди.

Масалан, агар ўтган асрда дуб ёғочи таркибидаги қўр-ғошин миқдори 0,000001 процент бўлган бўлса, XX аср ўрталарига келиб бу миқдор икки ҳисса ортди. 70-йил-ларга келиб эса бу миқдор 10 марта ошиб кетди.

Қиңики газларнинг таъсиридан дубларнинг автомобиль йўлларига қараган томони айниқса қўрғошинга бой бў-ларкан.

Рус тилидан А. ДАМИНОВ таржимаси.

